ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ МАҚОМИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

«Наслчилик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида» 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, аввал берилган наслчилик хўжаликлари мақомини тасдиқловчи амалдаги гувоҳномалар ўз муддатигача ҳақиқий ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 19 февраль,
100-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 100-сон қарорига
ИЛОВА

## Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби тўғрисидаги

## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бонитировка — ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаш;

генофонд (кам сонли) зот — муайян зотга мансуб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги кам учрайдиган ҳайвонлар гуруҳи;

наслчилик — селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, наслли маҳсулот (материал) етиштириш ва ундан фойдаланиш;

наслдор ҳайвон — келиб чиқиши ҳужжатлар билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳайвон;

наслли маҳсулот (материал) — наслдор ҳайвон, унинг уруғи ва эмбрионлари, наслдор тухум, ипак қурти уруғи;

наслчилик объектлари — наслдор ҳайвонлар (қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, шунингдек, паррандалар, балиқлар, асаларилар, ипак қурти, қуёнлар, ёввойи ҳайвонлар) ва уларнинг наслли маҳсулотлари (материаллари);

наслчилик субъектлари — наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, ташкилотлар, селекция марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат — синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар — наслли маҳсулот эгалари;

наслдор ҳайвонлар ва наслдор подаларни давлат рўйхатига олиш — келиб чиқишини аниқлаш ва маҳсулдорлигини белгилаш мақсадида наслдор ҳайвонлар ҳамда наслдор подалар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш.

3. Наслчилик хўжаликлари мақоми Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлиги (кейинги ўринларда ваколатли орган деб юритилади) томонидан берилади.

Наслчилик хўжалиги мақомини бериш жараёни ушбу Низомга 1-иловадаги схемасига мувофиқ амалга оширилади.

4. Наслчилик хўжаликлари мақоми юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг (кейинги ўринларда талабгорлар деб юритилади) мурожаатида кўрсатилган муайян тоифага ва/ёки зотдаги ҳайвон турига ёки фаолият йўналишига берилиши мумкин.

5. Наслчилик хўжаликлари мақоми қуйидаги тоифалар бўйича берилади:

а) наслчилик хўжалиги сифатида камида уч йил фаолият юритаётган ҳамда маълум бир соф зот бўйича юқори маҳсулдорлик хусусиятига эга бўлган ҳайвонлар подасини урчитиш, янги линия, оила ва типлар яратиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — наслчилик заводи мақоми;

б) камида уч йил давомида наслдор ҳайвонларни соф зотли урчитиш усулида фаолият олиб бораётган талабгорларга — наслчилик хўжалиги мақоми;

в) маълум бир ҳайвон зотларини замонавий усулларда такомиллаштириш, уларнинг янги зотларини яратиш ва кўпайтириш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — селекция маркази мақоми;

г) наслдор отларни синовдан ўтказиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — ипподром мақоми;

д) такомиллаштирилаётган наслдор ҳайвонларни генетик усулда баҳолаш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — иммуногенетик назорат лабораторияси мақоми;

е) наслчилик субъектларига наслдор ҳайвонларнинг қиймати, маҳсулдорлиги ва сифатини баҳолаш, назорат қилиш ва олинган маълумотларни расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатадиган талабгорларга — назорат — синов станцияси мақоми;

ё) турли зотлардаги юқори генетик маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган наслни яхшиловчи наслдор эркак ҳайвонлардан олинган уруғ билан ҳайвонларни сунъий уруғлантириш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — ҳайвонларни сунъий уруғлантириш корхонаси мақоми;

ж) турли зотлардаги юқори генетик маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган наслни яхшиловчи наслдор она ҳайвонларни сақлаш ва улардан эмбрионлар тайёрлаш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга – эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) маркази мақоми;

з) она ҳайвонларни сунъий уруғлантириш учун наслдор эркак ҳайвонларнинг музлатилган уруғлари банкини ташкил этиш ва реализация қилиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — эркак ҳайвонлар уруғларини ишлаб чиқиш ва сотиш корхонаси мақоми;

и) генофонд (кам сонли) турлари ва зотлари, маълум бир эволюцион хусусиятини наслдан-наслга ўтказиш қобилиятига эга бўлган ҳайвонларни шакллантириш, урчитиш, сақлаш, янги зот ва типлар яратиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — генофонд хўжалиги мақоми.

6. Бир тоифадаги наслчилик хўжаликлари мақомини бошқа тоифага ўтказиш мазкур Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

## 2-боб. Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш бўйича ҳудудий давлат аттестация комиссиялари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш

7. Талабгорларнинг наслчилик хўжалиги мақомига лойиқлигини баҳолаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказлари (кейинги ўринларда ҳудудий «Чорванасл» маркази деб юритилади) директорларининг буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказлари ҳузуридаги наслчилик хўжаликлари мақомини бериш бўйича ҳудудий давлат аттестация комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилади.

8. Зарур ҳолларда, комиссия илтимосига кўра наслчилик хўжаликлари мақомининг тоифалари бўйича муайян малакага эга бўлган мутахассислар ёки олимларни шартнома асосида ваколатли орган томонидан комиссия ишига эксперт сифатида жалб қилиниши мумкин.

9. Комиссия раиси:

комиссия фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

комиссия иш тартибини тасдиқлайди;

комиссия аъзоларини талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганишга жалб қилади;

комиссия йиғилиши ўтказиладиган санани белгилайди;

комиссия йиғилишини олиб боради ҳамда йиғилишда қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди.

Комиссия раиси меҳнат таътили, касаллик ёки бошқа сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда, унинг вазифаларини бажариш комиссия раисининг ўринбосари зиммасига юкланади.

10. Комиссиянинг мажлислари ҳужжатларнинг келиб тушишига қараб ўтказилади. Навбатдан ташқари мажлислар (наслчилик субъектлари томонидан минимал талабларга нисбатан камчиликлар, бузилиш ҳолатлари белгиланган тартибда аниқланганда) ҳам ўтказилиши мумкин.

Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва бошқа барча ҳужжатлар унинг аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

## 3-боб. Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш ёки беришни рад этиш тартиби

11. Талабгор наслчилик хўжалиги мақомини олиш учун ҳудудий «Чорванасл» марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) наслчилик хўжалиги мақомини олиш тўғрисида ҳудудий «Чорванасл» маркази директори номига ваколатли орган томонидан белгиланган намунавий шаклдаги ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, шунингдек, фаолиятни амалга ошириш манзили;

якка тартибдаги тадбиркор фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, шунингдек, фаолиятни амалга ошириш манзили;

талабгор бажармоқчи ёки амалга оширмоқчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян тоифа йўналишлари ҳамда наслдор ҳайвонларининг тури, зоти;

б) талабгорнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) юридик шахслар учун — штатидаги олий ёки ўрта махсус маълумотли зооинженерия мутахассисининг диплом нусхаси;

г) аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

д) наслчилик заводи, наслчилик хўжалиги, генофонд хўжалиги мақомини олишга талабгорлар учун — охирги уч йил давомида ўтказилган наслли маҳсулот (материал) бонитировкаси натижалари бўйича маълумотномаларнинг нусхалари, бунда наслчилик хўжалиги мақомига эга бўлган хўжаликлардан сотиб олинган ёки хорижий давлатлардан келтирилган наслдор ҳайвонлар сони мазкур Низомга 3 — 17-иловаларда белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлган ҳамда талабгор томонидан уларнинг наслдорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, охирги уч йил давомида ўтказилган наслли

маҳсулот (материал) бонитировкаси натижалари бўйича маълумотномаларнинг нусхаларини тақдим этиш талаб этилмайди;

е) хориждан келтирилган наслдор ҳайвоннинг идентификация қилинганлиги тўғрисида маълумот;

ё) тегишли ҳайвонлар турлари бўйича наслчилик хўжалиги мақомини олиш учун мазкур Низомга 3 — 17-иловаларда белгиланган минимал талабларга жавоб бериши ҳақида талабгор томонидан тасдиқланган маълумотлар.

12. Наслчилик хўжалиги мақомини бериш ҳамда наслчилик хўжалигини қайта давлат аттестациядан ўтказиш учун талабгор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ундирилган йиғим ҳудудий «Чорванасл» марказлари ҳисобварақаларига ўтказилади.

Талабгор наслчилик хўжалиги мақомини бериш бўйича ўз аризасидан воз кечганда ёки наслчилик хўжалиги мақомини бериш рад этилганда, ундирилган йиғим талабгорга қайтарилмайди.

Комиссия аъзоларининг, шунингдек, уларнинг ишига жалб қилинган экспертларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар учун тўловлар ҳудудий «Чорванасл» марказларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Ариза қабул қилинган кундан бошлаб тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги етти иш кунида комиссия томонидан талабгорнинг фаолиятни амалга ошириш манзилида жойлашган хўжалигига борган ҳолда ўрганилади. Бунда талабгорнинг фаолияти тегишлилиги бўйича қуйидаги йўналишларда давлат аттестациядан ўтказилади:

наслчилик ҳисоб-китобини ва ҳужжатларини юритиш;

наслчилик ресурсларининг яхшиланиши, сақланиши, такрор кўпайтирилиши ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

ҳайвонлар маҳсулдорлик ҳисоб-китобини юритиш, типи бўйича таснифлаш, келиб чиқишини генетик экспертиза қилиш (генетикасини экспертизадан ўтказадиган иммуногенетик назорат лабораторияси бўлмаган ҳудудларда уларнинг генетик келиб чиқишини (генотипини) таҳлил қилиш) ва уларни ўз маҳсулдорлиги ҳамда авлодининг сифати бўйича баҳолаш талабларини бажариш;

уруғ олиш учун фақат такрор кўпайтириладиган наслдор эркак ҳайвонлардан фойдаланиш, уруғ ва эмбрионларни технологик талабномаларда ва ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари талабларида белгиланган шарт-шароитда тайёрлаш, идентификациялаш ва сақлаш;

наслли маҳсулотнинг (материалнинг) сифатини кафолатлаш;

наслчилик заводи мақоми учун насллини такоминллаштириш, яхшилаш, маҳсулдорлиги кўпайтиришдаги фаолиятининг самарадорлиги, маълум бир соф зот бўйича урчитиш ва яратиш бўйича сифат кўрсаткичлари;

наслчилик хўжалиги мақоми учун камида уч йил давомида наслдор ҳайвонларни соф зотли урчитишнинг самарадорлиги ва сифат кўрсаткичлари;

селекция маркази мақоми учун маълум бир ҳайвон зотини такомиллаштиришда замонавий усуллардан фойдаланилаётганлиги, уларнинг янги зотларини яратиш ва кўпайтиришдаги самарадорлиги ҳамда сифат кўрсаткичлари;

ипподром мақоми учун отларни келиб чиқиши, зотга хослиги, экстерьери (ташқи кўриниши), гавда тузилиши ва бошқа кўрсаткичларини синовдан ўтказиш бўйича шароитларининг мавжудлиги;

иммуногенетик назорат лабораторияси мақоми учун наслдор ҳайвонларни генетик усулда баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун шароитларнинг мавжудлиги;

назорат — синов станцияси мақоми учун наслдор ҳайвонларнинг қиймати ошириш, маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича шароитларининг мавжудлиги;

ҳайвонларни сунъий уруғлантириш корхонаси мақоми учун турли зотлардаги юқори генетик маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган эркак ҳайвонлардан олинган музлатилган уруғларни сақлаш ва сунъий уруғлантириш учун шароитнинг мавжудлиги;

эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) маркази мақоми учун юқори маҳсулдор наслдор она ҳайвонларни сақлаш ва улардан эмбрионлар тайёрлашда шароитларни мавжудлиги ҳамда малакали мутахассислар билан таъминланганлиги;

эркак ҳайвонлар уруғларини ишлаб чиқиш ва сотиш корхонаси мақоми учун наслини яхшиловчи наслдор эркак ҳайвонлари сақлаш ва улардан олинган музлатилган уруғлари банкини ташкил этилганлиги ҳамда худуларга районлаштирилган зотлар бўйича музлатилган уруғларини сотилганлиги;

генофонд хўжалиги мақоми учун генофонд (кам сонли) турлари ва зотлари, маълум бир эволюцион хусусиятини наслдан-наслга ўтказиш қобилиятига эга бўлган ҳайвонларни урчитиш, сақлаш, янги зот ва типлар яратиш бўйича шароитларнинг мавжудлиги.

14. Талабгорнинг фаолиятини давлат аттестациядан ўтказиш вақтида комиссия томонидан туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлимлари орқали талабгорнинг эпизоотик барқарорлиги, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари талаблари ҳам ўрганилади.

15. Талабгорнинг наслчилик хўжалиги сифатида доимий фаолият олиб бориш имкониятлари қуйидаги тоифалар бўйича таҳлил қилинади ва маълумотнома тайёрланади:

штатида наслчилик ишлари бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотли зооинженерия мутахассиси ва сунъий уруғлантирувчи техник ходимларнинг мавжудлиги;

наслчилик заводларида ёки хўжаликларида етиштирилган, шунингдек, хориждан олиб келинган наслдор ҳайвонлар билан тўлдириб бориши;

селекция-наслчилик ишларида илмий-тадқиқот натижалари бўйича жорий этилган усуллардан фойдаланиши;

пода селекциясида талабгорнинг наслчилик ишлари режаси мавжудлиги;

селекция марказ, ипподром, назорат — синов станция ва иммуногенетик назорат лаборатория тоифалари «Ўзстандарт» агентлигида аккредитация қилинганлиги;

талабгор томонидан наслли маҳсулотларнинг (материалларнинг) наслдорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга аукционлар ёки шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга етказиб бериши;

ҳар бир наслдор ҳайвонни идентификация қилинганлиги;

наслли маҳсулот (материал) бонитировкасининг ўз вақтида ўтказиб борилиши, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида поданинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора–тадбирларнинг амалга оширилиши;

Давлат наслдор ҳайвонлар китобларига киритиш учун тақдим этган ва киритилган наслдор ҳайвонларининг мавжудлиги;

ҳайвонларни сунъий уруғлантириш корхонаси учун наслдор ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва авлодларининг сифати бўйича баҳоланиши;

наслчилик иши бўйича давлат тармоқ дастурларига мувофиқ ўзларининг наслчилик иши режаларини ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириши;

наслли маҳсулотнинг келиб чиқиши, сақланиши, баҳоланиши ва насл сифатини тасдиқловчи зоотехник ҳужжатлари мавжудлиги;

наслдор ҳайвонларни асраш ва парваришлашда мустаҳкам озуқа таъминоти (йил давомида бир хил озиқлантириш типи) яратилганлиги;

наслчилик хўжалиги мақомини олиш бўйича муайян тоифаларни амалга оширишда автоматлаштирилган технологиялар, зарур асбоб-анжомлар ва ускуналарнинг мавжудлиги;

ўз фаолиятида зоотехника, ветеринария ва санитария талабларига риоя қилиши.

16. Наслчилик хўжаликлари мақомини беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

мазкур Низомнинг 11-бандидаги рўйхатга асосан наслчилик хўжаликлари мақоми берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг наслчилик хўжаликлари мақомини беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

мазкур Низомнинг 13 — 15-бандларига мувофиқ ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг якунлари бўйича салбий маълумотномалар тақдим этилганда;

Наслчилик хўжаликлари мақомини беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

17. Комиссия томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар унинг йиғилишида муҳокама қилинади ҳамда мазкур Низомга 18-иловада белгиланган шаклга мувофиқ наслчилик хўжалиги мақомини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари ва давлат аттестация якунлари

бўйича бир иш кунида далолатнома тузилади ҳамда комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Ҳар бир комиссия аъзолари ва улар ишига жалб этилган экспертлар томонидан алоҳида ёзма хулоса тақдим этади.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси далолатномага ўз фикр-мулоҳазаларини киритишга ҳақли.

Мазкур далолатномага асосан талабгорга наслчилик хўжалиги мақомини бериш ёки беришни рад этиш ҳақида комиссия томонидан икки иш кунида қарор қабул қилинади.

18. Комиссия томонидан наслчилик хўжалиги мақомини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ҳудудий «Чорванасл» маркази томонидан талабгорга икки иш кунида ёзма равишда рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва талабгор мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда жавоб юборади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат наслчилик хўжалиги мақомини беришни рад этиш ҳақидаги жавоб олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам, лекин ўттиз иш кунидан кўп бўлмаслиги керак.

Талабгор наслчилик хўжалиги мақомини беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, наслчилик хўжалиги мақомини бериш ёки беришни рад этиш талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва уларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунида комиссия томонидан амалга оширилади. Талабгорнинг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда комиссия томонидан ариза берувчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини комиссия томонидан келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Наслчилик хўжалиги мақомини беришни рад этиш ҳақидаги жавобда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин тадбиркорлик субъекти томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва комиссия томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

19. Комиссия томонидан талабгорга наслчилик хўжалиги мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тузилган далолатнома, талабгор томонидан берилган ариза ва мазкур Низомга 3 — 17-иловаларда белгиланган минимал талабларга жавоб бериш ҳақида имзоланган маълумотлар илова қилинган ҳолда, икки иш кунида ҳудудий «Чорванасл» марказлари томонидан ваколатли органга тақдим этилади.

20. Ҳудудий «Чорванасл» маркази томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли орган уч иш кунида экспертизадан ўтказади.

21. Ваколатли орган раҳбари томонидан икки иш кунида тақдим этилган ҳужжатларга асосан талабгорга наслчилик хўжалиги мақомини бериш тўғрисида буйруқ қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси наслчилик хўжалиги мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда наслчилик хўжалиги мақоми ҳақидаги гувоҳномани имзолашга ҳақли.

22. Ваколатли орган томонидан наслчилик хўжалиги мақоми берилган талабгорга наслчилик хўжалиги мақомининг муайян тоифаси ҳамда ҳайвонларининг тури, зоти кўрсатилган ҳолда мазкур Низомга 19-иловага мувофиқ шаклда наслчилик мақоми ҳақидаги гувоҳнома бир иш кунида расмийлаштирилади.

Наслчилик хўжалиги мақоми ҳақидаги гувоҳнома икки иш кунида тўғридан-тўғри наслчилик хўжалиги мақоми берилган талабгорга ёки наслчилик хўжалиги мақоми берилган талабгорга етказиш учун ҳудудий «Чорванасл» марказга юборилади.

23. Ваколатли органга тақдим этилган далолатнома, ариза ва маълумотномалар ҳамда тақдим этилган бошқа тегишли ҳужжатлар наслчилик хўжалиги мақоми тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида сақланади.

24. Наслчилик хўжалиги мақоми беш йил муддатга берилади.

25. Наслчилик хўжалиги мақомини тасдиқловчи гувоҳнома бланкалари ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади. Наслчилик хўжалиги мақомини тасдиқловчи гувоҳнома бланкалари ваколатли органнинг буюртманомасига кўра тайёрланади.

## 4-боб. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг талаблари ва шартлари

26. Қуйидагилар наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг талаблари ва шартлари ҳисобланади:

наслчилик субъектлари — ҳаракатларни бажаришда ва (ёки) муайян тармоқни амалга оширишда қонун талабларига мажбурий риоя этиш;

наслчилик субъекти — юридик шахс бўлганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, наслчилик субъекти-якка тартибдаги тадбиркор бўлганда, унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органларни хабардор қилиш;

наслчилик мақоми тоифалари бўйича меъёр ва қоидаларга риоя этиш.

27. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани олган шахс бошқа шахсга фойдаланиш учун уни бериш ҳуқуқига эга эмас.

Амал қилиш муддати тугаган наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома фойдаланиб бўлингандан сўнг ўн иш кунида ваколатли органга қайтарилади.

28. Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишининг юритилиши бўйича ўрнатилган тартибда назорат тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## 5-боб. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

29. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома амалда бўлган юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, юридик шахс ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома амалда бўлган якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда тегишли ваколатли органга тегишли маълумотларни илова қилган ҳолда гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза тақдим этиши шарт.

Бунда наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

30. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати субъектнинг аризасига биноан узайтирилиши мумкин. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин ҳудудий «Чорванасл» марказига субъект томонидан ариза билан мурожаат қилиши зарур. Бунда наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш мазкур Низомнинг 3-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

31. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ўрнига ваколатли органга берилган ариза бўйича гувоҳноманинг дубликати берилиши мумкин. Бунда наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома дубликати тайёрланганлиги учун йиғим ундирилмайди.

32. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилганда, унинг амал қилиш муддати узайтирилганда ва дубликат беришда авввал берилган (йўқотилган гувоҳномалардан ташқари) гувоҳномалар ваколатли органга қайтарилади.

## 6-боб. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш

33. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномага доир талаблар ва шартлар наслчилик субъекти томонидан бузилганлиги аниқланганда;

наслчилик субъекти томонидан ваколатли органнинг наслчилик субъектига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори бажарилмаганда.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига мувофиқ амалга оширилади, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно.

Ваколатли органнинг наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги буйруғи наслчилик субъектига буйруқ қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан кечиктирмай, наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонун ҳужжатларининг нормалари аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда етказилади.

Ваколатли орган томонидан наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни наслчилик субъекти томонидан бартараф қилиш муддати белгиланади. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни наслчилик субъекти томонидан бартараф қилиш муддати наслчилик субъекти наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги буйруқни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар наслчилик субъекти томонидан бартараф этилган тақдирда, наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида буйруқ қабул қилган ваколатли орган кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида наслчилик субъекти томонидан тақдим этилган тасдиқнома олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

34. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

наслчилик субъекти наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

юридик шахс бўлган наслчилик субъекти тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек, янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларда

муайян бир тоифани амалга ошириш учун наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирда уларнинг қўшиб юборилиши мустасно;

якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

якка тартибдаги тадбиркор вафот этганда, унинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

наслчилик субъекти наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномага доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда, қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келган бўлса;

наслчилик субъекти наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органнинг наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бериш тўғрисидаги буйруғи қонунга хилоф эканлиги аниқланганда;

наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда (субъект томонидан ўз вақтида наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза берилмаган тақдирда).

Ушбу бандининг учинчи, тўртинчи, бешинчи ва тўққизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар юзага келиши билан наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилган ҳисобланади.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатда ваколатли орган томонидан, ушбу банднинг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатларда эса «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига асосан тугатилади.

Ваколатли органнинг наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги буйруғи наслчилик субъектига ушбу буйруқ қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда, наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш сабаблари ва қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда етказилади. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги буйруқ наслчилик субъекти томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ваколатли органга қайтарилади.

35. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қуйидаги асосларда бекор қилинади:

наслчилик субъектининг наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра;

наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги аниқланганда.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳолат бўйича ваколатли орган томонидан, ушбу банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган ҳолат бўйича «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига асосан бекор қилинади.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак.

36. Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишининг юритилишини назорат қилиш жараёнида уларга қўйилган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ваколати доирасида Комиссия томонидан наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Юқоридаги ҳолатларнинг мавжудлиги комиссия томонидан тасдиқланган тақдирда, бу ҳақда наслчилик хўжалиги мақоми гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида уч кун муддатда далолатнома тузилади.

37. Наслчилик хўжалиги мақоми гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги далолатнома тегишли ваколатли орган раҳбарининг наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги буйруғини қабул қилиш учун асос бўлади.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида далолатнома тузилган кундан бошлаб икки кун муддатда наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида ваколатли орган томонидан буйруқ қабул қилиниши лозим.

38. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш тўхтатиб турилган, тўхтатилган ёки бекор қилинган тақдирда, Давлат наслчилик регистрига ўзгартириш киритилади.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш тўхтатилган ёки бекор қилинганлиги ҳақида, шунингдек, муддати тугаган тақдирда тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ва солиқ органлари хабардор қилинади.

39. Ваколатли орган наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар реестрини юритади ва уни расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар реестри танишиш учун очиқ ҳисобланади.

## 7-боб. Якунловчи қоидалар

40. Агарда ваколатли органнинг наслчилик хўжалиги мақомини беришни рад этганлиги, шунингдек, наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги буйруғидан норози бўлган тақдирда талабгор белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

41. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Наслчилик хўжалиги мақомини бериш

СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
| --- | --- | --- | --- |
| 1-босқич | Наслчилик хўжалиги мақомини олишга талабгор (юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор) | Наслчилик хўжалиги мақомини олиш бўйича «Ўзбекчорванасл» агентлигининг худудий «Чорванасл» марказларига ариза билан мурожаат қилиш. | Заруратга қараб |
| 2-босқич | Худудий «Чорванасл» марказлари хузуридаги наслчилик хўжаликлари мақомини бериш бўйича худудий давлат аттестация комиссияси | Ариза қабул қилинган кундан бошлаб тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилигини талабгорнинг фаолиятни амалга ошириш манзилида жойлашган хўжалигига борган ҳолда ўрганиш. | Етти иш кунида |
| 3-босқич | Худудий «Чорванасл» марказлари хузуридаги наслчилик хўжаликлари мақомини бериш бўйича худудий давлат аттестация комиссияси | Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотларни Комиссия йиғилишида муҳокама қилиш ва наслчилик хўжалиги мақомини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича далолатнома тузиш ҳамда уни комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзолаш. | Бир иш кунида |
